

**СПОРТ АГЕНТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ВА ФАРҚЛИ  
ТОМОНЛАРИ**

**Аннакулов Оловуддин Шавкат ўғли**

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Телефон: +99899 0179725

olovuddinannaqulov9@gmail.com

**Аннотация**

Спортчининг профессионал спортчи сифатида ривожланиши ва ўз фаолиятида салмоқли ютуқларни қўлга киритиши, биринчи навбатда, ушбу спортчининг агентига боғлиқ ҳисобланади. Чунки айнан агент спортчи учун мос меҳнат шароитларини белгилайдиган, унинг манфаатларига муфовиқ келадиган иш ҳақларини ўз ичига оладиган, бундан ташқари барча ижтимоий ҳамда моддий манфаатларини кўзда тутувчи меҳнат шартномаларини тузишни айнан агент амалга оширади. Шунингдек, спортчи учун мос келадиган клублар билар музокаралар олиб бориб спортчи ва клуб ўртасидаги трансфер шартномаларни расмийлаштириш масаласини ҳам айнан ўз зиммасига олади. Бундан келиб чиқадики, агентлар спортчи манфаатлари йўлида унинг номидан юридик ҳамда иқтисодий масалалар билан боғлиқ ишларни юритади. Бу эса спортчи учун улкан енгилликлар яратиб ортиқча чалғишиларнинг олдини олади.

**Калит сўзлар.** спорт агенти, агентлик шарномаси, клуб, трансфер шартномаси, агентлик ҳақи, агентлик лицензияси.

**Специфика и разные аспекты деятельности спортивных агентов**

**Аннакулов Оловуддин Шавкат ўғли**

Выпускник Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация**

Развитие спортсмена как профессионального спортсмена и достижение значительных достижений в его или ее карьере зависят в первую очередь от агента этого спортсмена. Это связано с тем, что именно агент заключает трудовые договоры, определяющие соответствующие условия труда спортсмена, включающие заработную плату, отвечающую его интересам, а также все социальные и материальные интересы. Клубы, подходящие для спортсмена, также будут нести ответственность за ведение переговоров о трансферных соглашениях между спортсменом и клубом. Отсюда следует, что агенты действуют от имени спортсмена в юридических и экономических

вопросах от его имени. Это предотвращает чрезмерное отвлечение внимания, создавая огромное облегчение для спортсмена.

**Ключевые слова.** спортивный агент, агентский договор, клуб, трансферный договор, агентское вознаграждение, агентская лицензия.

### **Specific and different aspects of the activities of sports agents**

**Annakulov Olovuddin Shavkat o'g'li**

Graduate of Tashkent State Law University

#### **Annotation**

The development of an athlete as a professional athlete and the achievement of significant achievements in his or her career depend primarily on the agent of that athlete. This is because it is the agent who concludes employment contracts that determine the appropriate working conditions for the athlete, include wages that are in his interests, as well as all social and material interests. Clubs that are suitable for the athlete will also be responsible for negotiating transfer agreements between the athlete and the club. It follows that the agents act on behalf of the athlete in legal and economic matters on his behalf. This prevents excessive distractions, creating tremendous relief for the athlete.

**Keywords.** sports agent, agency agreement, club, transfer agreement, agency fee, agency license.

Замонавий спорт тобора кенг қулоч ёзиб улкан даромад манбаига айланиб бораётган бир вақтда ушбу фаолиятни агентлар ва менеджерларнинг рўлисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги спорт оламида ҳар қандай нуфузли спорт турида спортчилар энди тажрибали, билимли агентлар хизматисиз фаолият юрита олмайди. Спорт агенти тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Спорт агенти - бу спортчи билан тузилган шартнома асосида турли контрагентлар (масалан, спорт клублари ва компаниялари) билан муносабатларда спортчи манфаатларини химоя қилиш билан шуғулланадиган менежер дейишимиз мумкин. Ғарбий Эвропада биринчи спорт агентлари 1970 йилларда, профессионал спортга катта пул туша бошлагандан сўнг пайдо бўлган. Қоидага кўра, агентлар ўз мижозлари учун шартномалар тузишда воситачи сифатида фойдаланилади, шу билан бирга уларнинг асосий даромад сифатида тузилган битимларнинг фоизи кўринишида ўз хақларини олишади.

**Агентнинг асосий фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- спортчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни расмийлаштириш;
- ҳомийлар ва реклама берувчилар билан энг фойдали шартномаларни қидириш;

- молиявий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш;
- спортчилар суғуртаси

ИМГ, Креативе Артистс Агенкй ва Окtagon каби баъзи йирик спорт компанияларида агентлар инвестициялардан тортиб солик тўловларигача бўлган мижознинг молиявий барча жиҳатларини бошқаради. Спорт шартномаларининг узунлиги ва мураккаблиги туфайли кўплаб агентлар спорт ҳуқуки бўйича тажрибага эга профессионал адвокатлар хисобланади. Фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, агентлар молиявий масалаларда, хавфларни баҳолашда, шунингдек, спортда этарлича билимга эга бўлиши ва юқори музокаралар олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу билан бирга, агент бир вақтнинг ўзида бир нечта спортчиларнинг манфаатларини ифодалаган ҳолларда, кўп вазифали режимда ишлаш қобилиятига эга бўлиш ҳам муҳим саналади. Спорт агентлари ўз фаолиятини мустақил юридик шахс сифатида ҳам, спорт компаниялари номидан ҳам амалга оширишлари мумкин. Битта агент ишлаши мумкин бўлган мижозлар сони ҳеч қандай қонун ҳужжатлари билан чекланмаган ва бозор томонидан тартибга солинади. Спортчилар учун агентлар хизмати қанчалик муҳим деган саволга жавоб беришда қуйидагиларни айтишим мумкин:

1990 йиллар бошига қадар кўпчилик футболчилар агентлар хизматидан фойдаланмас, ўзлари ёки қариндошлари орқали бизнес юритишни афзал кўрар эдилар. Аммо астасекин футболчилар агентлар хизматидан фойдаланадиган ўйинчиларнинг маоши клублар билан мустақил равишда шуғулланадиганларга қараганда юқори эканлигини пайқашди. Бундан ташқари, профессионал спортчилар ўзларининг биринчи профессионал шартномаларини кўпинча ўсмирлик ёки 20 ёшнинг бошида имзолайдилар ва камдан-кам ҳолларда ҳуқуқий масалаларни тўлиқ тушуниш учун тажриба ёки маълумотга эга бўладилар. Юқори даражадаги спортчиларга келсак, бу шартномалар кўпинча юз минглаб ёки миллионлаб долларларни ташкил қиласди ва спортчилар бу маблағлар бошқарувида агентлар фаолиятига эҳтиёж сезади. Шунингдек, спортда юқори натижаларга эришиш учун спортчи ўз ишига тўлиқ шўнғиши, машғулотлар ва мусобақаларга тўлиқ эътибор қаратиши керак. Аммо, тўғридан-тўғри спорт таркибий қисмига қўшимча равишда, спортчи бир қатор ҳуқуқий, тижорат ва майший муаммолар билан ўралган бир вақтда, Спорт агенти бундай муаммоларни ҳал қилиш вазифаларини ўз зиммасига олади. Агентнинг асосий вазифаси профессионал спортчига тўғри ва асосли қарорлар қабул қилишда ёрдам беришdir.

Агент кўп масалаларни спортчи ўрнига ҳал қиласди, лекин унинг ўрнига спортчининг бевосита вазифаларини бажара олмайди. Шунинг учун бундай муносабатларнинг энг самарали ишлаши учун ҳар бир киши ўзининг бевосита вазифалари билан бевосита шуғулланиши ва бир-бирига тўлиқ ишониши керак. Замонавий спорт спортчидан бор куч ва эътиборини машғулот жараёнига, муҳим стартлар ва муҳим мусобақаларга ҳар

куни тайёргарлик кўришга қаратишни талаб қиласди. Юқори савияли спортчилар кўп вақтларини йигинларда ва хорижий гастролларда ўтказадилар. Рақибларнинг ўйинларини, улар қўллаётган тактик схемаларини таҳлил қилиш, бўлажак мусобақа ва чемпионатларга тайёргарлик кўришнинг янги усуллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда узоқ муддатли тайёргарлик режасини тузиш кўп вақтни олади. Шунингдек, доимий бандлик ва спорт натижаларини яхшилашга дикқатни жамлаш спортчига шахсий ишлари ва шахсий бизнеси, юридик, молиявий ва майший муаммолари билан профессионал равища шуғулланиш имкониятини деярли қолдирмайди. Кўпгина ҳаётий масалалар - иш билан таъминлаш, ҳомийлар ва бизнес ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш, ишлаб топган маблағларни инвестиция қилиш, янги бизнес бошлаш - спортчиларга кенг бизнес алоқалари ва бу борада чукур билимга эга тажрибали ва малакали мутахассислар керак. Булар нафақат спорт ҳаёти, спортчилар ҳаёти ва эҳтиёжларини яхши биладиган юқори профессионал мутахассислар бўлиши керак балки, булар ўз мижозларида ишонч ва ҳурматни уйғотадиган, яъни спортчиларнинг ҳаёти ва касбий фаолияти билан боғлиқ энг нозик ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш ишониб топширилиши мумкин бўлган ишончли шахслар бўлиши керак.

Спорт агентлари ўз ишларида муваффақият қозонишлари учун қуйидаги вазифаларни бажаришда малакали бўлиш талаб этилади. Яъни, музокаралар олиб боришда, ўз мижозининг спорт тури бўйича чукур билимга, тезкор маълумотлар йиғиш ҳамда статистик таҳлил қобилиятига ва энг муҳими сотувчилик маҳоратига эга бўлишлик. Спорт агентлари учун энг катта масъулият улар вакили бўлган ўйинчилар учун шартномалар тузишдир.

Спортчи фаолиятининг истиқболи албатта, агентни тўғри танлай билишга ҳам боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, ёшлар спортида агент вазифасини футболчининг ота-онаси ўз зиммасига олиши мумкин. Спортчи маълум ёшга етгандан сўнг, масалан, профессионал спорт тури билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлгандан сўнг, спорт агенти хизматларидан фойдаланиши мумкин. Агент қандай мезонлар асосида танланиши кераклиги бўйича ҳам агентнинг кўп жиҳатларига эътибор қаратилади. Баъзida спортчи бутун фаолияти давомида битта агент билан шартнома тузади. Шунинг учун спортчидан агентни танлашда жуда эҳтиёткорлик билан ва жиддий ёндашув талаб этилади. Агентни танлашда агентнинг обрўси, маълумоти, иш тажрибаси, агент бўлгунга қадар агентнинг ушбу спорт турига нима алоқаси борлиги каби омилларга эътибор қаратиш лозим. Агентнинг обрўсига унинг ўтмишдаги ва ҳозирги мижозлари, тажрибасига қараб баҳо бериш мумкин. Тажрибали спортчилардан тавсиялар олишингиз мумкин.

Агент танлашда таълим ҳам катта аҳамиятга эга. Агент ишлаш учун танлаган муайян спорт турининг ўзига хос хусусиятларини билиши ҳақиқий профессионал спорт

агентининг ажралмас қисмидир. Шу сабабли, энг яхши агентлар касбий қайта тайёрлашдан ўтган ва "спорт менежменти" мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган ёки олий иқтисодий ёки юридик маълумотга эга бўлган собиқ спортчилардир. Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, юқорида такидланганидек спорт агентлари спорт оламининг ажралмас ҳамда ўрни бекиёс иштирокчилари саналади. Спортчиларнинг профессионал спортчи сифатида муваффақиятларни қўлга киритиши айнан спортчининг агентига боғлик дейишимиз мумкин. Спорт агентлари фаолияти спортнинг деярли барча соҳаларида мавжуд бўлиб, улар ўз хизматларини спортчи билан ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширади. Бу албатта, ушбу ҳукукий муносабатларни тартибга солувчи норматив хужжатлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Хорижий давлатлар спортида агентлар фаолияти жадал равижда ривож топиб, аҳамияти янада ортаётган бир даврда юртимизда ушбу фаолиятнинг суст ривожланаётганлиги бу борада туғишли чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади. Ҳукуқ соҳасида таълим олаётган ёшлар ҳамда ушбу фаолиятга қизиқувчилар ўртасида мазкур касбга ўқитиш ҳамда билим доираларни кенгайтириш юзасидан ўқув машғулотлари ташкил этилса, семинарлар ўтказилса ўйлайманки, агентлик фаолиятига бўлган қизиқишилар ортиб, соҳа ривожланишига сезиларли туртки бўлган бўларди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. ФИФА нинг “Воситачилар билан ишлашга доир регламент”да
2. Ўзбекистон Республикаси Фудбол Ассоциациясининг “Воситачилар билан ишлашга доир регламент”
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунида
4. W. Mueller-Freinfels, Legal Relations in Agency Law: Authority and Commercial Accuracy Am. J: Comp.lav V .13 1964 p. 195
5. Шершеневич Г.Ф. Наука гражданского права в России. - М.: Статут, 2003
6. Barry Nickles, Introduction to Roman Law, 1965, p. 201.